

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Д. Анваров</b>	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбегимнинг Фарғона водийси жараёнларидаги тасвири..	167
<b>М. Жўраев</b>	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва қўкбўзот юлдузлари.....	170
<b>З. Раҳимов, Д. Гуломов</b>	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
<b>М. Ғаниев</b>	
Ўзбек насрида тарихий роман генезиси ва ривож.....	176
<b>М. Хамидов</b>	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар .....	180
<b>Р. Умурзаков</b>	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи .....	186
<b>И. Саймуратова</b>	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи .....	190
<b>Д. Тўраева</b>	
Бадиий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар .....	195
<b>Н. Бўриева</b>	
Уилям Шекспир сонетларининг бадиий хусусиятлари.....	200
<b>Н. Ҳамраев</b>	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари .....	204
<b>Х. Убайдуллаев</b>	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида .....	208
<b>М. Батирханова</b>	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
<b>Ш. Хасанова</b>	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
<b>Г. Турдиева</b>	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
<b>Л. Галимуллина</b>	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металлларнинг рамзий аҳамияти.....	221
<b>Н. Гофурова</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи .....	226
<b>У. Маҳмудова</b>	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида .....	229
<b>З. Акбарова</b>	
Концепт ва лисоний онг .....	233
<b>З. Тожиматова</b>	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
<b>Х. Хусамбоева</b>	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти .....	238
	<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b>
Адабиётимиз фидойиси .....	241

объектни ўрганиш, уни қайси йўл билан таржима қилиш лозимлигидир. Чунончи уни аниқ таржима қилиш кераклигини ўзбекча эквиваленти ёки муқобили билан алмаштириш лозимлиги, ёхуд бошқа йўллар билан акс эттириши маъқулми деган масалаларини белгилашда бирикма объектини аҳамияти катта. Иккинчи томондан объектлари ҳамда бир-бирига жуда мувофиқ келадиган айрим мақол, матал ва идиомалар мазмунан бир-бирларининг ўрнини қоплай олмаслиги мумкин. Ана шундай ҳолларда баъзан содда эквивалентлар ҳам ишлатилиб борилиши хавфи туғилади.

Мақол шаклидаги фразеологизмлар халқ гидрокининг махсули кўп асрлик муносабатининг ифодасидир. Мақол кундалик ҳаётда кишиларнинг бир-бирлари билан муомалада бўлиши жараёнида туғилади.

Мақол заминида халқ ҳикмати ётади. Масалан, *Reden ist Silber, Schweigen ist Gold* - *слово - серебро, молчание - золото*, яъни „Ахмоққа жавоб-сукут“ дейди ўзбек халқи. Мақол, матал ва идиомаларнинг бир-биридан фарқини яққол тасаввур қилиш учун уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳар бир мақолнинг маъноси, шакли, стилистик функцияси ўзига хос хусусиятга эга бўлса-да, шунга қарамай, ҳамма мақолларда ҳам қандайдир бир умумийлик мавжуд.

Ҳар бир тилнинг фразеологизмларида нафақат ўхшаш хусусиятларини, балки фарқли ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Ўхшаш фразеологизмларнинг мавжудлиги тил ва тафаккур бирлиги орқали тушунтирилиши мумкин, чунки ҳар бир тилда ўхшаш тушунчалар мавжудки, уларни турли халқлар вакиллари бир хил тафаккур қилиши мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Вальтер Х., Малински Т., Мокненко В., Степанова Л., Русская фразеология для немцев (электронное издание), «Златоуст», – Санкт-Петербург, 2005.
2. Назаров Қ.Н. Таржима назарияси ва амалиёти, маърузалар матни. – Андижон, 2017.
3. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, А ҳарфи, Давлат илмий нашриёти. – Т., 1991.
4. Friedrich Schiller, Don Karlos, Infant von Spanien, im Bureau der deutschen Classiker. – Carlsruhe, 1817.
5. Professor Dr. Dieter Götz, Professor Dr. Günther Haensch, Professor Dr. Hans Wellmann, Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache, Langenscheidt Verlag. – Berlin und München 2008.
6. Prof. Dr. Maximilian Braun, Dr. Karlheinz Pollok. Langenscheidts Taschenwörterbuch. Deutsch-Russisch. Zweiter Teil. Langenscheidt. Berlin. 1994.
7. Agricola Ch., Görner H., Königsdorf A., Kűfner R., Marckscheffel Ch., Wörter und Wendungen, Leipziger Druckhaus, – Leipzig, 1962.
8. Содиқов З., Абдурахмонова Д., Таржимашунослик терминларининг кўптилли луғат-маълумотномаси (ўзбек, олмон, англиз, рус тиллари), терминологик луғат, – Наманган, 2013
9. ABBYY Lingvo x3, электронный словарь, 2008.
10. <https://deutschlernerblog.de/das-fuenfte-rad-am-wagen-sein-redewendungen-mit-bildern-lernen-162/>
11. Умархўжаев М.И., Назаров К.Н., Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат, – Т.: Ўқитувчи, 1994.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари, профессор).

УДК: 41+415.61

**СОМАТИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ТАСНИФЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР  
К ВОПРОСУ КЛАССИФИКАЦИИ СОМАТИЧЕСКИХ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ  
TO THE PROBLEM OF CLASSIFICATION OF SOMATIC PHRASEOLOGISMS**

**М.Батирханова<sup>1</sup>**

**<sup>1</sup> М.Батирханова**

— Фаргона давлат университети ўқитувачиси.

**Аннотация**

*Мақола соматик фразеологизмлар тушунчаси ва уларнинг таснифлаш масалаларига бағишланган. Соматик фразеологизмларнинг таснифлашда концептуал ва лингвокультурологик аспекти намоён этган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ифодаланган. Соматик фразеологизмларнинг таснифида уларнинг лексик-семантик гуруҳлари таърифланган.*

**Аннотация**

*Статья посвящена понятию соматических фразеологизмов и вопросам их классификации. Выявлены особые свойства классификаций соматических фразеологизмов в концептуальном и лингвокультурологическом аспекте. Показаны лексико-семантические группы при классификации соматических фразеологизмов.*

**Annotation**

*The present article is devoted to the notion of the somatic phraseologisms. The peculiar features of the classification of the somatic phraseologisms in the conceptual and linguocultural aspects are revealed. The lexical-semantic groups in the classification of the somatic phraseologisms are shown.*

**Таянч сўз ва иборалар:** соматик фразеологизм, маданий код, тасниф, гуруҳ, олам манзараси, миллий, концепт, категория, тана, тана аъзолари.

**Ключевые слова и выражения:** соматический фразеологизм, культурный код, классификация, группа, картина мира, национальный, концепт, категория, тело, части тела.

**Keywords and expressions:** somatic phraseologism, cultural code, classification, group, world picture, national, concept, category, body, parts of body.

Миллий маданият, ҳалқнинг лисоний онгини ҳамда миллий дунё манзарани ўрганиш замонавий тилшуносликнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Бу борада соматик фразеологизмлар ҳалқ маданиятини, маданиятлараро тафовутларни, миллатнинг лисоний манзарасини атрофлича таърифлашга, ҳар қайси тилда инсон танаси билан боғлиқ стереотипик тушунчаларни англашга туртки бўлади. Соматизмлар ҳар қайси тилнинг универсал ва ўзига хос тил мероси ҳисобланиб, миллатнинг қадимий даврлардан ҳозирги замонгача урф-одати ва анъаналарини мужассамлайди.

Аксарият тадқиқотчилар “соматизм” терминининг турли талқин этилишини таъкидлаган. Жумладан, Л.А.Сайфи соматизмларни тана билан боғлиқ ходисаларни ифодаловчи тил воситаси сифатида таърифлаган [15]. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаров инсон танаси ва юзи билан боғлиқ ҳаракат, ҳолат ва белгиларни соматизм сифатида талқин этади [5]. Яъни, соматизмларга тилнинг новербал шаклларини – имо-ишоралар, тана ҳаракати, мимика, руҳий

ҳолатларни киритган. Лекин, кейинчалик Г.Е.Крейдлин Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровнинг фикрини раъд этиб, имо-ишора ва мимикани новербал тилнинг кўриниши сифатида изоҳлаб, уларни соматик нутқлар сифатида ифодалашни тавсия этади ва соматик фразеологизмларни алоҳида ўрганишни талаб қилади [10]. Ҳозирги пайтда соматизмлар кенг маънода талқин этилиб, уларнинг доирасига нафақат тана аъзолари, балки инсоннинг ички органлари, биологик суюқлик, инсон нутқи ва ақлини ифодаладиган бирликлар киритилади.

Тилшуносликда соматик фразеологик бирликларнинг таснифлаш масалалари алоҳида ўрин тутади. Илмий адабиётларда соматик фразеологизмларнинг турли таснифини учратиш мумкин.

Соматик фразеологизмларнинг таснифини ифодалашда биз замонавий илмий изланишларга ёндашамиз. Жумладан, рус тадқиқотчиси М.С.Иевская соматик фразеологизмларни когнитив аспектдан таҳлил этиб, қуйидаги таснифларни тавсия этмоқда: инсон танасининг ташқи аъзолари

(қўл, бармоқ, тизза, кўз, бош, бўйин, бел, кўкрак, юз ва хкз.), ички органлари (юрак, жигар, мия ва хкз.) ҳамда биологик субстанциялар (суяк, қон, тер). Шунингдек, тадқиқотчи инсоннинг характерини ифодаловчи соматик фразеологизмларни ҳам алоҳида гуруҳларга бўлиб чиққан: 1. жисмоний параметрлар ва ташқи кўринишига кўра; 2. ҳаракат, муомала, нутқ характерига кўра [6].

А.М.Кочеваткин, А.С.Лиджиева ва Д.А.Сусеева соматик фразеологизмлар ўз таркибида инсоннинг ташқи ва ички органларини ифодалайдиган лексемаларни қамраб олишини таъкидлаган. Ушбу тадқиқотчилар соматик лексемаларни 6 гуруҳга ажратадилар:

1. сономик лексика (инсон тана аъзолари);
2. ангионимик лексика (қон томирлари);
3. остеонимик лексика (суяклар);
4. касалликларни ифодалайдиган лексика;
5. спланхнонимик лексика (ички органлар);
6. сенсонимик лексика (сезги аъзолари)

[8;11].

Р.Ю.Мугу эса соматик фразеологизмларнинг ушбу таснифини янада чуқурак берган [14]. Юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳ алоҳида гуруҳчага бўлиниб, соматизмларнинг хусусияти тўлиқроқ тавсифланган. Т.А.Бердникова ҳам ушбу таснифни кенгайтирилган ҳолда таҳлил этган [3]. Г.Г.Соколова тана аъзоларини жойлашган ҳолатини эътиборга олиб, соматик фразеологизмларни 4 мавзуй гуруҳларга [16], Р.М.Вайнтрауб табиий ва конвенционал гуруҳларига [4], А.О.Кармышаков функционал облигаторлик бўйича гуруҳларга тақсимлайдилар [7].

Араб тадқиқотчиси Мвер Кайдар Кадхим соматик фразеологизмларни субъектнинг хусусияти, ҳаракатланиш доирасига кўра 7 гуруҳга бўлади:

1. инсон хусусиятларини ифодаловчи соматик фразеологизмлар;
2. физиологик жараёни ифодаловчи соматик фразеологизмлар;
3. нутқ жараёни ифодаловчи соматик фразеологизмлар;
4. ақлий жараёни кўрсатувчи соматик фразеологизмлар;
5. эмоционал жараёни ифодаловчи соматик фразеологизмлар;
6. меҳнат жараёни ифодаловчи соматик фразеологизмлар;
7. ижтимоий ҳаётни ифодаловчи соматик фразеологизмлар[13].

Л.А.Сайфи соматизмларни инсон концепти билан бевосита боғланганлигини ифодалаб, уларни қуйидаги гуруҳларга тақсимлаган: 1. инсон организми; 2. жисмоний ҳолат; 3. соғлиқ; 4. инсоннинг қобилияти ва ҳолати; 5. инсоннинг ташқи кўриниши; 6. инсон ҳаётининг босқичлари; 7. одат ва заруриятлар; 8. тана ҳаракатлари [15].

Кўриниб турибдики, ушбу таснифлар соматизмларнинг лексик-семантик хусусиятларига бағишланган. Ҳозирги пайтда тилшунос олимлар соматизмларни таърифлашда “маданий код” тушунчасига таяниб, уларни турли гуруҳларга бўлиб чиққан. Фразеологизмларни “маданий код” ларга асосан таснифлаш миллатнинг ўзига хос хусусиятларини намоён этади, лексик-семантик хусусиятларга кўра ташкилланган гуруҳларда лингвомаданий моҳияти тўлиқ ифода эта олинмаган фразеологизмлар маданий кодлар орқали миллий манзарани юзага чиқариб беради. Соматик фразеологизмларни ушбу тарзда таснифлаш миллий характерга эга бўлиб, ҳар бир жамиятнинг лисоний онгини таърифлашга ва олам манзараси масалаларини ёритишга ҳам имкон беради. Олам манзараси ҳозирги замон тилшунослар томонидан атрофлича талқин этилади ва қуйидаги турларга ажратилади: оламнинг лисоний манзараси, оламнинг концептуал манзараси ва оламнинг миллий манзараси. Соматик фразеологизмларни маданий кодларга ёндашган ҳолда ўрганиш оламнинг миллий манзарасининг серқирралигини намоён этади. Е.С.Кубрякова маданий кодларни тилнинг семиотик тизими билан бевосита боғланганлигини ифодалайди. Турли предмет ва вазиятларни белги сифатида талқин этиш тилнинг ички моҳиятини ўрганишга замин яратади. Ҳар бир “маданий код” ўзининг семиотик тизимини намоён этади, ундаги турли шаклий воситалар ва моддий предмет ҳамда тушунчалар яхлит маънога эга бўлиб, категориялар остида бирлашади [9].

В.В.Красных фразеологизмларнинг олти маданий коди, Е.Н.Белая эса тўртта асосий маданий кодларини ажратадилар [2]. В.В.Ламова 11 маданий код мавжудлигини таъкидлайди. Соматик маданий кодга тааллуқли фразеологизмлар бошқа маданий кодлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Р.Батсурэн соматик фразеологизмларни бошқа маданий кодлар билан уйғунлашган ҳолда таҳлил этиб, ўзининг таснифини тавсия этади: худуд билан боғлиқ соматизмлар, ҳаракат билан боғлиқ соматик